

## Савдода нарх қўйиш

21:41 / 12.06.2020 2849

Ассалому алайкум! Устозлар мен ойна сотаман, ойнанинг 1-квадратини 25 минг сўмдан берса техника ҳаражат чиқади ва 28 минг 500 сўмдан келиб тушса мен 1-квадратини 48 минг ёки 50 минг сўмдан сотишим жоизми? Ойнани кесиб берганимга ҳам хизмат ҳақи оламан, базиларнинг уйига олиб бориб ўрнатиб ҳам бераман. Уйига ўрнатиб берсам ҳам яна хизмат ҳақи қўшиб оламан. 60 ёки 70 километр узоқликдан олиб келаман.

### «Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Агар сиз тенг баробарига яқин қўйиб сотишим жоизми деб сўрамоқчи бўлсангиз аслида жоиз. Аммо ҳаридорларнинг ҳолатига қараб муомала қилсангиз ишингизда барака бўлади. Моддий қийналганларга саҳоват қилишни ҳам йўлга қўйиш керак. Валлоҳу аълам!